

## Юнусобод тумани “Уч қахрамон” ЙПХ масканида сайёр йиғилиш

Жорий йилнинг 29 август куни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи С.Шоқосимов ва масъул ходимлари Н.Мирхамидов, Д.Файзуллаев ва О.Остоновлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ижросини таъминлаш ва “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури чора-тадбирларидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан Тошкент шаҳрида юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳайдовчилар иштирокида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, “Уч қахрамон” ЙПХ масканида сайёр йиғилиш ўтказилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан С.Шоқосимов 2017 йил Ўзбекистонда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да республикамиз аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш, халқ билан бевосита мулоқотда бўлиш, автотранспорт воситаларида хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, ҳайдовчилар билан йўриқномаларни доимий равишда ўтказиб бориш ва хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ҳақида, шунингдек, 2017 йил 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўғрисида”ги қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан ўтказилган идоралараро йиғилиш қарори тегишли бандларини, аҳолига кўрсатилаётган хизматларни қонуний лицензия олиб ишлаш, мижозларнинг юklarини тегишли ҳужжатларини сўраш, ноқонуний юklarни ташишдан бош тортиш, нақд пул тушумлари билан қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ишлаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш юзасидан автомобиллар эгаларига ва ҳайдовчиларига айтиб ўтилди.

Шунингдек, Д.Файзуллаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳамда автотранспорт воситаларини соз ва озода, тоза сақлаган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилиб фаолият кўрсатиш бўйича тегишли маълумотлар берди.

Учрашув давомида Н.Мирхамидов юк автомобиллари эгалари ва ҳайдовчиларига ўз автомобилларни фақат тўхтаб туриш мумкин бўлган автотураргоҳларда сақлашлари ва автомобилларга ортилган юklarни сотиш учун ажратилган алоҳида жойларга қўйиб қурилиш молларини сотишлари юзасидан тегишли маълумот ва таклифларини берди.

Агентлик О.Остонов учрашув иштирокчиларига, ташувчиларга юк ташиш фаолияти юзасидан таклиф ва мурожаатлари бўлса Агентлик Тошкент шаҳар бошқармасига телефон қилишлари мумкинлигини этиб, бошқарманинг 241-56-41 ишонч телефон рақамини маълумот учун етказди.

Юқоридаги масалалар юзасидан юк автомобиллари эгалари ва ҳайдовчилар таклифлари тингланди ҳамда учрашув қатнашчилари томонидан берилган барча саволларга жавоблар берилди.